

## ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУГУРТАЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Абдурахимова Хуснора Низомиддин кизи,  
ТДИУ магистранти**

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда экспортни ривожлантириш ва экспортёрларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ҳамда экспорт-импорт операцияларини суғурталаш хусусиятлари очиб берилган. Суғурта компаниялари томонидан таклиф этиладиган экспорт-импортга доир суғурта маҳсулотлари таҳлил учун асос қилиб олинган.

**Аннотация:** В статье раскрыты особенности развития в Узбекистане экспорта и мер по защите экспортёров, а также страхования экспортно-импортных операций. Для анализа использованы страховые продукты, предлагаемые страховыми компаниями по экспортно-импортным операциям.

**Annotation:** In the article the features of development in Uzbekistan's exports and protection of exporters and insurance of export-import operations. The analysis is based on the insurance products offered by insurance companies on export-import operations.

**Калим сўзлар:** суғурта, суғурта бозори, суғурта шартномаси, экспорт-импорт операциялари, суғурта қалтисликлари, экспорт суғуртаси, сиёсий қалтисликлар, тижорат қалтисликлари.

### Кириш

Истиклолга эришилгандан сўнг мамлакатимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз берди, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш мақсадида ислохотлар амалга оширилди. Барчамизга маълум, экспортни ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланганлик даражаси маълум қадар, унинг тайёр маҳсулотлар экспорти миқёслари билан ўлчанади. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориши ҳам экспорт ва импорт операциялари мажмуининг ривожланишига олиб келди. Бироқ таъкидлаш жоизки, маҳаллий экспортчиларимизнинг янги бозорларга чиқиши, янги савдо муносабатларини йўлга қўйиши ҳам, муқаррар равишда, қатор молиявий қалтисликлар билан боғлиқдир. Республикамиз Биринчи Президенти И.А. Каримов айтиб ўтганларидек, “Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади” [1].

Бу жиҳатдан, яъни экспортни кўтариш, экспортчиларни ҳар тарафлама ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш вазифаларини самарали ҳал этиш мақсадида мамлакатимизда бир қанча фармон ва қарорлар (Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1997 йил 10 октябрь ПФ-1871-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2013 йил 8 августдаги ПҚ-2022-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий экспорт қилувчиларни суғурталашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 21 апрелдаги 167-сон қарори ва “Миллий экспорт қилувчиларни суғурталашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1998 йил 21 апрелдаги 167-сон қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2014 йил 2 июндаги 136-сон қарори) қабул қилинган. Мазкур фармон ва қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилиши эса, ўз навбатида, экспортни ривожлантириш, экспортчиларимизни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашни кучайтиришга кенг имкониятлар йўлини очиб беради. Лекин, шунинг ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, амалиётга татбиқ этиладиган ҳар бир ҳолатнинг биринчи навбатда, назарияси ишлаб чиқиши лозим.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Бугунги кунда халқаро савдони ривожлантиришга доир масалалар иқтисодиётга доир адабиётларда етарли даражада кенг ёритилган бўлса-да, мамлакатлараро товар алмашинувини ривожлантирувчи, мамлакат иқтисодиётини тараққиёт даражасини белгилаб берувчи экспортни қўллаб-қувватлаш омили сифатидаги экспорт суғуртаси нисбатан кам ўрганилган. Россия ва хорижлик олимлардан Н.Г.Адамчук, С.М.Богданов, М.В.Ершов, А.О.Руднева, А.Савельев, Т.Бернхард, Ц.Ванг, Д.Е.Гиантурко, Т.Доудинг, Л.Х.Делонкль, С.Диньч ва бошқалар ўз ишларида мазкур масалага қисман тўхталиб ўтишган.

Шунингдек, Берн ассоциацияси ва Прага клуби, Халқаро кредит суғуртаси ва кафолатлар тақдим этиш ассоциацияси томонидан олиб борилган махсус илмий тадқиқотларда ҳам экспорт суғуртасига доир амалий масалалар маълум қадар ўрганилган.

Республикаимиз олимларидан А. Абдуллаев, С.В. Воҳидов, А.К. Ибрагимов, О. Бобожонов, Н. Жўраев, М. Тўлахўжаева, Ҳ.Р. Собиров, С. Қодирхонов, Б. Ҳасанов, Р. Холбеков ва Б. Хошимовларни ҳам мазкур соҳага доир илмий изланишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бироқ, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида суғурта компанияларининг экспорт суғуртасига доир олиб бораётган ишларининг назарий масалалари илмий адабиётларда ўз ифодасини етарли даражада топа олди, дея олмаймиз. Бугунги кунда суғурта компанияларида экспорт-импорт операцияларини суғурталаш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш борасида чуқур изланишлар талаб этилмоқда.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, гуруҳлаш, танлаб кузатиш ҳамда индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик, тизимли ёндашув, илмий абстракция, мантиқий ёндашув каби услублардан фойдаланилди.

## **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон бозорига интеграциялашиб бораётган бир шароитда, маҳаллий компанияларимиз истеъмол ҳажми ўсиб бораётган, яъни ривожланаётган мамлакатлардаги янги бозорларни эгаллаш ҳисобидан экспортни кўтаришга эришишлари мумкин. Янги бозорларни эгаллашда эса, албатта, қалтисликлардан ишончли ҳимоя талаб этилади. Экспорт-импорт қалтисликларини суғурталашдан мақсад, давлат ва маҳаллий экспортёрларнинг халқаро капитал, товарлар, иш ва хизматлар бозоридаги манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Маълумки, ташқи савдо операцияларининг тахминан 80% тўловларни кейинроқ амалга ошириш шарти билан бажарилади. Бунда экспортчилар маҳсулот келиб тушгандан сўнг харидорлар томонидан тўловни амалга ошириш ҳолатида эканига ишонч ҳосил қила олмайдилар, уларда молиявий йўқотишлар қалтисликлари кучаяди. Мана шунда, экспортёр компанияларда давлат ва хусусий компаниялар томонидан кўрсатиладиган маслаҳат ва иқтисодий ёрдамга муҳтожлик сезилади. Бундай ҳолатда, суғурта компанияси чет эллик ҳамкорнинг тўловдорлигини текшириш ва экспорт шартномаси асосида тўлов келиб тушмаслик туфайли зарарни қоплашда экспортёр компанияларга ёрдамга келади.

Кўпчилик экспорт суғуртаси деганда, биринчи навбатда, чет элга жўнатиладиган юкларни суғурталашни тушунади. Бироқ, экспорт суғуртаси бирмунча кенгроқ тушунча бўлиб, у экспортбоп маҳсулотларни сотишда пайдо бўладиган молиявий қалтисликларни суғурталашни қамраб олади. Бошқача қилиб айтганда, экспорт суғуртаси хорижий бозорларда миллий экспортчиларни сиёсий ва тижорат таваккалчиликлардан суғуртавий ҳимоялашни назарда тутаяди.

Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, сиёсий ва тижорат таваккалчиликлардан суғурта қилиш экспортчиларимизни ҳозирги, нотурғун иқтисодий шароитларда юзага келадиган ва экспортчининг барча саъй-ҳаракатларига қарамай, олдиндан аниқлаб олишнинг имкони бўлмаган қалтисликлардан ҳимоясини таъминлаб беради.


Сиёсий таваккалчиликлар – хорижий ҳамкор мамлакатида унинг томонидан қабул қилинган контракт мажбуриятлари бажарилишига тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қилувчи сиёсий ва макроиқтисодий вазият ноқулай ўзгариши билан боғлиқ таваккалчиликлар бўлиб, улар ҳам ўз навбатида, экспорт контрактлари бажарилиши ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши билан боғлиқ таваккалчиликларга бўлинади.

Экспорт контрактлари бажарилиши билан боғлиқ сиёсий таваккалчиликлар: импорт ёки экспортга эмбарго жорий қилиш; хорижий ҳамкор мамлакатидаги эълон қилинган ёки эълон қилилмаган урушлар, фуқаролар ғалаёнлари, инқилоблар, террористик ҳаракатлар, саботаж; хорижий ҳамкор мамлакати ҳукуматининг тузилган контракт шартлари умуман ёки унинг қисмлари бажарилишига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлари, шу жумладан Ўзбекистонга нисбатан камситувчи тусдаги янги қонун ҳужжатлари жорий этилиши; хорижий ҳамкор мамлакатида конвертация қилинадиган

валюта етишмаслиги туфайли трансферт кечиктирилиши, Ўзбекистон билан хорижий ҳамкор мамлакати ўртасидаги тўловларни чеклаб қўювчи хорижий ҳамкор мамлакатининг Ўзбекистонга ташқи қарзига хизмат кўрсатишга мораторий эълон қилиниши кабилардан иборат. Инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши билан боғлиқ сиёсий таваккалчиликларга эса – мулкнинг экспроприация қилиниши, шунингдек хорижий ҳамкор мамлакатида қабул қилинган мулк ёки улардан олинган даромад устидан назорат қилиш йўқотилишига олиб келадиган ҳар қандай қонун ҳужжатлари ёки маъмурий чоралар, хорижий ҳамкор мамлакати ҳукумати томонидан ўз ҳудудида иқтисодий фаолиятни тартибга солиш мақсадида жорий этиладиган умумий қўлланиладиган камситмайдиган тусдаги чоралардан ташқари; хорижий ҳамкор мамлакатидаги эълон қилинган ёки эълон қилинмаган урушлар, фуқаролар ғалаёнлари, инқилоблар, террористик ҳаракатларни киритиш мумкин.

Тижорат таваккалчиликлари – хорижий ҳамкорнинг молиявий-иқтисодий аҳволи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда унинг исбот қилинган тўловга қодир эмаслиги ёки банкротлиги билан ва контракт бўйича унинг томонидан қабул қилинган молиявий мажбуриятлар бажарилиши мумкин эмаслиги билан ифодаланади [2].

Ўзбекистонда экспортни қўллаб-қувватлашнинг молиявий омили сифатидаги экспорт операциялари суғуртаси ўзининг дастлабки босқичларида, дея оламиз. Суғуртанинг мазкур тармоғи анча ривожланган Германия, АҚШ, Швейцария ва Франция давлатлари тажрибасини ўрганган ҳолда, юқорида қайд



этиб ўтган қонун ва қарорларимизга мувофиқ равишда, халқаро стандартлар асосида экспорт операцияларини суғурталашни такомиллаштириш устувор вазифаларимиздан биридир.

2016 йилда Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта қилиш ҳуқуқига эга 32 та компания фаолият юритди. Улардан 3 таси суғурта брокери, 1 та махсус суғурта агентлиги ва 28 та суғурта компаниясидир. Уларда 2016 йилда 34 фоизга ўсиш кузатилди. Диаграмма орқали суғурта компанияларининг йиллар давомидаги умумий суғурта мукофотлари (млрд. сўм) динамикасини кузатиш мумкин [3]. Бу эса, ўз навбатида, суғурта компанияларга бўлган ишончнинг ортиб бораётганини намоён этади. Шунингдек, бунда суғурта компаниялари ўртасида миқдори жалб этиш борасида рақобат ҳам кучаяди.

Хорижда ва Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда кўплаб суғурта компаниялари фаолият кўрсатса-да, аммо экспорт-импорт операцияларини суғурталашни ҳамма компаниялар ҳам амалга оширавермайди. Экспорт операциялари суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта компаниялари қаторида «ALFA INVEST» суғурта компаниясини таъкидлаб ўтиш мумкин. Мазкур компания 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, Молия вазирлиги томонидан берилган лицензия асосида умумий суғуртага доир 17 классдаги суғурта

хизматларини амалга оширади. Суғурта фаолиятини амалга оширишда орттирилган тажриба, малакали кадрлар салоҳияти, қайта суғурталаш орқали яратилган портфель, кенг қамровли худудий бўлинма ва департаментлар фаолиятига таянган ҳолда, «ALFA INVEST» Суғурта компанияси ўз фаолиятини такомиллаштириб, молиявий барқарорликни таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Суғурта мукофотларини йиғиш бўйича Ўзбекистон суғурта бозори иштирокчилари орасида бешинчи ўринни эгаллаган мазкур ташкилотнинг устав капиталли ҳозирда 4 млн. евродан зиёдни ташкил этади.

«ALFA INVEST» компанияси томонидан экспорт-импортга доир қуйидаги суғурта маҳсулотлари таклиф қилинмоқда:

- «Экспорт шартномаларни «Етказиб берувчи кредити» типи бўйича комплекс суғурталаш». Бунда сиёсий ва тижорат қалтисликлар натижасида 60 кунгача кечиктириб тўлашни назарда тутган ҳолда, экспорт шартномаси бўйича чет эл харидори томонидан тўламасликни суғурта компанияси қоплаб беради.

- «Чет эл харидорига кафилликни олган томоннинг кафолат мажбуриятларини бажармасликни суғурталаш», яъни экспорт шартномасига кўра кафилликни олган томоннинг кафолат мажбуриятлари бўйича тўловни амалга оширмасликдан суғурта ҳимояси.

- «Чет эл харидорининг банки томонидан аккредитиви чақириб олинмайдиган мажбуриятларини бажармасликдан суғурталаш». Бу экспорт шартномасига кўра, аккредитив очаётган чет эл харидорининг банки томонидан тўловни амалга оширмаслик, бунда банк суғурталовчига тўловни амалга оширмасликка сабаби ва ҳаққи йўқлигидадир.

- «Тижорат банклари кредитларини «Харидорга кредит» типи бўйича суғуртаси». Бунда экспорт шартномаси бўйича тўловни амалга ошириш учун чет эллик харидорга ёки банкка Ўзбекистон Республикаси тижорат банки томонидан берилган кредитни сиёсий ва тижорат қалтислиги натижасида чет эллик ҳамкор томонидан қопламасликнинг суғурта ҳимояси назарда тутилади.

- «Экспорт шартномасини бекор қилишдан суғурталаш»да экспорт маҳсулотни тушириб олишдан олдин сиёсий қалтисликлар натижасида экспорт шартномасини чет эллик харидор томонидан бекор қилинишини суғурталаш тушунилади.

- «Инвестицияларни экспроприация, миллийлаштириш ва олиб қўйишдан суғурталаш», яъни инвестиция қилинаётган давлатда сиёсий қалтисликлар натижасида миллий инвестициялар қайтарилмасликдан суғурталаш.

- «Аванс тўловни суғурталаш», бунда сиёсий ва тижорат қалтисликлари натижасида чет эллик етказиб берувчи томонидан аванс тўловни ва импорт қилувчига эса маҳсулотни етказиб бермасликдан суғуртали қоплаш кўзда тутилади.

Экспортни суғурта қилиш орқали экспортчиларимиз қатор афзалликларга эга бўладилар, хусусан, уларнинг айримларини келтириб ўтамиз:

1) янги бозорларга чиқишда потенциал ҳамкорнинг ишончилигини баҳолаш бўйича мутахассислар ёрдамини олиш;



2) хорижий мижозларнинг молиявий аҳволдан доимий равишда хабардор бўлиб туриш ва уларнинг молиявий ҳолати ҳақидаги маълумотларга ўз вақтида эга бўлиш;

3) мижозлар сони ва савдо ҳажмини ошириш имконияти;

4) тўловнинг мослашувчан шакллари кўллаш ҳисобидан рақобатбардошликни кучайтириш имкониятлари;

5) кўтарачи-воситачиларсиз бевосита истеъмолчиларнинг ўзига чиқиш, яъни экспорт қилиш имконияти, бу эса ўз навбатида, фойдани ўстиришга ёрдам беради.

Тижорат кредитларини суғурта қилиш корхонанинг экспорт имкониятларини бир неча маротабага оширади. Айни вақтда, суғурта ташқи савдо операциялари ишончилигини таъминлашнинг энг тежамкор усули ҳисобланади.

Суғурта компанияси, суғурта қилдирувчидан суғурта мукофотини олгач, қонуний равишда суғурталанган қалтисликни ўрганиш, баҳолаш ва бошқариш бўйича барча чора-тадбирларни амалга оширади. Тўламаслик рискин суғурта қилишда суғурта суммасига нисбатан фоизларда ифодаланадиган зарарлар (франшиза)да суғурта қилдирувчининг шахсий иштироқи кўзда тутилади. Қалтисликни қоплашда суғурта қилдирувчининг шахсий иштироқи одатда 5–20% миқдорда ўрнатилади. Франшиза алоҳида ёки бошқа суғуртачида суғурта қилинмайди. Суғурта қилдирувчи зарарларни олдини олиш ёки камайтириш бўйича барча чора-тадбирларни ўз ҳисобидан амалга ошириши керак. Шунингдек, суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига зарар миқдорини баҳолаш ва тўлай олмаслик фактини аниқлаш учун талаб этиладиган барча ҳужжат ва маълумотлар тақдим этилиши шарт.

Ташқи иқтисодий фаолиятда хорижий ҳамкорнинг тўламаслик рисқи кўп учрайдиган ҳолат. Тўлов кафолатини ошириш мақсадида, ҳисоб-китобларнинг турли усул ва шакллари (олдиндан тўлаш, расмий тасдиқланган аккредитив) кўллаш билан бир қаторда, дебиторлик қарздорлигини суғурта қилиш амалиёти ҳам учраб туради. Мазкур суғуртанинг мақсади – экспортчига етказиб берилган товар учун чет эллик контрагент томонидан тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлашдир.

Экспорт кредитларини суғурталаш суғурта компанияси билан экспортчининг узоқ муддатли ҳамкорлигини назарда тутди. Бу эса суғурта компанияси томонидан ҳамкорлик муддати давомида тузилган барча контрактларнинг суғурта қопламасини таъминлаб берадиган йиллик умумий полисларнинг берилишини англатади. Бунда суғурталанувчи-экспортер, чет эллик ҳамкор билан дастлабки музокараларнинг натижаси бўйича, контрагент товар ва хизматларни сотиб олмоқчи бўлган келишилган сумма ҳақида суғурталовчини хабардор қилади. Суғурталовчи чет эллик ҳамкорнинг тўловдорлик қобилиятини текширади ва текширув натижалари бўйича кредит қарорини чиқаради, қарорда сўралган суммани тасдиқлаши, суғурта талаблари даражасигача камайтириши ёки умуман бекор қилиши (яъни, кредитни суғурта қилишдан воз кечиши, уни полис таъминотисиз қолдириши) мумкин.

Албатта, бу жараёнда суғурталовчилар олдида катта масъулият ётибди. Уларга билдирилган ишончли оқлаш учун, ўзларининг молиявий барқарорлигини ва мустаҳкам тўловдорлик қобилиятини таъминлашлари зарур. Ҳозирда суғурта бозори иштирокчилари ўртасида катта рақобат кузатилмоқда. Мижоз учун кураш йўлида, суғурта компаниялари учун асосий йўналишлардан бири бу суғурта ҳодисасини сифатли ўрганиш, хатарларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ва етказилган зарарларни ўз вақтида тўлаб бериш саналади. Бу ўз навбатида, суғурта компанияси бухгалтерия бўлими учун ҳам катта масъулият юклаб, суғурта қопламалари билан боғлиқ жараёнларнинг бухгалтерия ҳисобини конуний юритишни талаб этади. Қонунчиликка мувофиқ мол-мулкка етган зарарнинг суммаси унинг қийматидан ошиши мумкин эмас. Суғурта товонларини ҳисобга олувчи счётларда суғурта зарарининг экспертлар томонидан аниқланган ва суғурталовчи томонидан суғурта суммасини ҳисобга олган ҳолда тўланадиган суғурта қопламалари суммалари акс эттирилади. Суғурталанувчи билан ҳисоб-китобларни суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар билан корреспонденцияланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

### **Хулоса ва таклифлар**

Фикримизча, экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ҳисобини ривожлантиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– тўловни кечиктириш шартларида амалга ошириладиган ҳамда биринчи даражали банкларнинг тўлов мажбуриятлари билан таъминланмаган экспорт битимлари сиёсий ва тижорат қалтисликларидан суғурта қилишни тегишли тартиб-қоидаларга биноан амалга ошириш;

– тўлов кечиктирилишини назарда тутувчи экспорт битимлар бўйича сиёсий ва тижорат қалтисликларидан суғурта қопламаси Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган экспорт қилувчилар ва тижорат банкларига суғурта ташкилотлари томонидан берилиши;

– экспорт юк ташишларни суғурта қилишни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва «Инкотермс» халқаро қоидаларига мувофиқ суғурта қилиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари томонидан амалга ошириш.

Шундай экан, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш – бозор муносабатлари қарор топиб бораётган шароитда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилиши, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида илғор силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқимини кучайтиришга йўналтирилган ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия ва назорат қилиш тусидаги чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон учун ташқи савдони ислоҳ қилиш ва экспортни рағбатлантириш – нафақат эркин айирбошланадиган валютада даромадлар ўсишининг муҳим манбаси, жаҳон иқтисодига

интеграциялашувининг асосий воситаси, балки бу иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлайдиган миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш каби энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлар ҳамдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. «Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь, 2-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий экспорт қилувчиларни суғурталашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва қарорга илова, 1998 йил 21 апрель, 167-сон.

3. <http://insurance.uzreport.uz/>

4. Адамчук Н.Г. Мировой страховой рынок на пути к глобализации. М.: Московский государственный институт международных отношений (Университет); «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2004.- 591с.

5. Адамчук Н.Г. Конвергенция финансовых рынков на примере банкострахования Азии //Страховое дело. 2004. август, с. 36-47

6. Ахвледиани Ю.Т. Страхование: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям (060400) «Финансы и кредит», (060500)

7. Воблый К.Г. Основы экономики страхования.- М.:Анkil, 1995. 156 с.

8. Гомелля В.Б., Туленты Д.С. Страховой маркетинг: актуальные вопросы методологии, теории и практики. М., 2000. — 298 с.